



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА СЕРРАТА®

Препаратнинг савдо номи: СЕРРАТА®

Таъсир этувчи модда (ХПН): сerratioпептидаза

Дори шакли: ичакда эрувчан қобик билан қопланган таблеткалар

Таркиби:

Ичакда эрувчан қобик билан қопланган ҳар бир таблетка куйидагиларни сақлайди:

фаол модда: 10 мг сerratioпептидаза;

ёрдамчи моддалар: моногидрат лактоза, маккажўхори крахмали, енгил карбонат магний, натрий крахмалгликолят (А тури), магний стеарат, Opadry оқ ранг-YS-1-7027 (гипромеллоза, титан диоксиди (E171), триацетин), Opadry ичакда эрувчан-OU-P-7171 (поливинилацетат фталат, титан диоксиди (E171), диэтилфталат, стеарин кислотаси), изопропил спирти, дихлорметан, тозаланган сув.

Таърифи: думалоқ шаклли, оқ рангли, ичакда эрувчан қобик билан қопланган иккиёқлама каварик таблеткалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Таянч-ҳаракатлантирувчи аппарат бузилишларини даволаш учун препаратлар. Ферментлар.

АТХ коди: M09AB

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Сerratioпептидаза фибринолитик, яллиғланишга қарши ва шишишга қарши таъсирга эга *Serratia L15* нопатоген ичак бактерияларидан ажралган протеолитик фермент ҳисобланади. Яллиғланиш жараёнини камайтиришдан ташқари, сerratioпептидаза яллиғланган тўқималардан оғрикни чакирувчи аминлар бўшатилишини блокировка қилиш орқали оғрикни камайтиради. Сerratioпептидаза альфа-2-макроглобулин билан 1:1 нисбатда боғланади, бу антигенликни ниқоблайди, бироқ ферментатив фаолликни сақлайди. Сўнгра аста-секин яллиғланиш ўчоғидаги экссудатга ўтади, унинг қондаги даражаси эса аста-секин пасаяди. Сerratioпептидаза капиллярлар дилатациясини бевосита камайтиради ва уларнинг ўтказувчанлигини брадикинин, гистамин ва серотонин гидролизи орқали назорат қилади. Шунингдек, сerratioпептидаза плазмин ингибиторларини блокировка қилади ва тегишли равишда, плазминнинг фибринолитик фаоллигига ёрдам беради. Балғам таркибий оксиллари протеолизи туфайли шиллиқ қаватлар реологик хусусиятларини яхшилади ва йўталиб томокни тозалаб олишни енгиллаштиради.

Препаратнинг ферментатив фаоллиги α -хемотрипсинга нисбатан 10 баравар юқори. Сурункали яллиғланиш ўчоғида сerratioпептидаза яллиғланиш ва оғриқлар медиаторлари даражасини пасайтиришга ёрдам беради ва фибринни гидролизлайди. Альбумин ҳамда α - ва γ -глобулин каби тирик организм оксилларига жиддий таъсир этмайди.

Препарат яллиғланган жойларга яхши ўтади, некротизацияланган тўқималар ва уларнинг парчаланиш маҳсулларини лизациялайди, гиперемияни бартараф этади, шунингдек антибиотиклар транспорти ва фаоллигини кучайтиради. Препарат сўлак ва бурун ажратмалари ёпишқоқлигини пасайтиради, бу орқали уларнинг экскрециясини кучайтиради.

Фармакокинетикаси

Препарат меъда орқали ўзгармаган шаклда ўтади ва ичакларда сўрилади. Қон плазмасидаги максимал концентрациясига 1 соат давомида эришилади. Серратиопептидаза сийдикда кам миқдорда аниқланади. Серратиопептидаза ингичка ичакда сўрилади ва қонда фаол шакллардаги фермент сифатида айланади.

Қўлланилиши

Жарроҳлик касалликлар: пайлар чўзилиши ва пайлар узилиши, суяк синишлари ва чиқиклари, пластик жарроҳлик туфайли пайдо бўлган шишишлар;

Нафас йўллари касалликлари: балғам қовушқоқлигини пасайтиради ва унинг нафас йўлларида чиқарилишига ёрдам беради;

ЛОР аъзолари касалликлари: бурун қўшимча бўшлиқлари секретини чиқарилишини енгиллаштиради;

Тери касалликлари: ўткир даражали яллиғланиш дерматозлари;

Аёллар жинсий аъзолари ва сут безлари касалликлари: гематомалар, сут безларидаги ҳаракатсизликда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Препарат катта ёшдаги пациентларга кунига овқатланишдан кейин 2-3 марта 1 та таблеткадан буюрилади.

Таблеткалар чайнамасдан ютилиши керак, устидан бир стакан сув ичилади.

Максимал суткалик доза – 30 мг.

Дозалаш ва даволаш муддати патологик жараён хусусиятига ва суръатига боғлиқ бўлиб, шифокор томонидан яқка тартибда белгиланади.

Ножўя таъсирлари

Меъда-ичак томондан бузилишлар: диарея, кўнгил айниши, қайт қилиш, анорексия, эпигастрал соҳадаги ноқулайлик, қориндаги оғриқ.

Нафас олиш тизими, кўкрак қафаси ва кўкс оралиги аъзолари томондан бузилишлар: бурун қонаши, балғамда қон томирчалари, ўткир даражали эозинофил пневмония касаллиги.

Иммун тизим томондан бузилишлар: препаратнинг бирон-бир таркибий моддасига алоҳида чидамсиз бўлган пациентларда ўта юқори сезувчанлик реакциялари бўлиши мумкин.

Тери ва тери ости бириктирувчи тўқималар томондан бузилишлар: тошма, қичишиш, тери қизариши кузатилиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Серратиопептидазага ёки препаратнинг бошқа таркибий моддаларига юқори сезувчанлик. Қон ивишининг бузилишида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Антикоагулянтлар билан бир вақтда қўлланилганида препарат уларнинг фаоллигини кучайтиради (бундай мувофиқликда қўлланилиш пухта тиббий кузатув остида амалга оширилиши керак), антибиотиклар, ностероид яллиғланишга қарши препаратларнинг яллиғланган тўқималарга киришини тезлаштиради.

Махсус кўрсатмалар

Препарат қон ивишига таъсир этиши туфайли ундан қуйидаги ҳолатларда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак:

- қон кетиш хавфи;

- қон ивишининг бузилиши;
- антикоагулянтлар қўлланилиши;
- оғир даражали жигар касалликлари;
- оғир даражали буйрак касалликлари.

Ёрдамчи моддалар.

Препарат таркибида лактоза сақланади. Бирон-бир қанд моддаларига чидамсизлик аниқланган ҳолатларда, қўлланишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Болаларда қўлланилиши

Клиник маълумотлар йўқлиги туфайли препарат болаларда қўлланилмайди.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланилиши

Клиник маълумотлар йўқлиги сабабли препаратнинг ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланилиши тавсия этилмайди.

Транспорт воситасини бошқариш ва бошқа хавфли механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Таъсир этмайди.

Дозанинг ошириб юборилиши

Симптомлари: кўнгил айнаши, қайт қилиш, анорексия, эпигастрал соҳада ноқулайлик, айрим ҳолларда – қон кетиш ва балғамда қон томирчалари кузатилиши мумкин.

Даволаш: даволаш симптоматик ўтказилади.

Чиқарилиш шакли

30 тадан таблетка алюминий стрипда. 1 тадан, 5 тадан ва 10 тадан стрип тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

Сақлаш шароити

Курук, ёруғликдан химояланган жойда 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихонадан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

Ишлаб чиқариш манзили

Plot No. M-3, Indore Special Economic Zone, Phase-II, Pithampur, Dist.-Dhar, Madhya Pradesh-454774, Ҳиндистон.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори препаратларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили:

“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК.

100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 16А-уй.

Тел.: +998 (78) 1509797; +998 (93) 3888782;

Факс: +998 (78) 1509787.

E-mail: pv@kusum.uz